



## Сайғоқни асраш бўйича альянсни 2013 – 2016 йиллар учун стратегик режалаштириш

### Миссия

Сайғоқни асраш бўйича альянс (SCA) – бу сайғоқ ареали мамлакатларида ва халқаро даражада илмий ёндашувга асосланган лойиҳалар устида иш олиб борувчи олимлар ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислардан иборат тармоқдир. Бизнинг асосий вазифамиз табиатда ва инсон ҳаётида сайғоқ тўлақонли роль ўйнай олиши учун унинг популяцияларини тиклашдан иборат. Ўз тадқиқотларимиз, табиатни муҳофаза қилиш ва салоҳиятни кучайтиришга қаратилган ҳаракатларимиз жараёнида биз сайғоқнинг биологик тур сифатидаги аҳамияти, унинг одамлар учун маданий ва иқтисодий қиммати ҳамда экотизимдаги фундаментал роли ҳақидаги ғояларни илгари сурамиз.

### Бошлангич маълумотлар

SCA раҳбар қўмитаси 2013 йилнинг июлида бўлиб ўтган ташкилий йиғилиш якунларини кўриб чиқди. Ушбу йиғилишда манфаатдор томонлар ва SCA аъзолари иштирок этдилар. Шунингдек бўлғуси устувор вазифаларни белгилаш учун эришилган натижалар хусусида овоз бериш ўтказилди.

SCA параллел равишда ҳал этилиши лозим бўлган олти энг муҳим **стратегик муаммони** қайд этди:

- 1) Сайғоқ овчилик маҳсулотлари билан савдо қилиш.
- 2) Ареал мамлакатларининг барчасида браконьеरлик даражасининг юқорилиги.
- 3) Яшаш муҳити деградацияси ва инфратузилмани ривожлантириш.
- 4) SCA ва манфаатдор ҳукумат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликнинг етарли даражада эмаслиги.
- 5) Сайғоқ популяцияларининг оз сонлилиги ва улар тарқалган ҳудудлар доирасининг чекланганлиги.
- 6) SCAning институционал барқарорлиги лозим даражада эмаслиги.

Ҳар бир **стратегик муаммо** учун биз 1 тадан 4 тагача **стратегик вазифаларни** белгиладик. Бу стратегик вазифаларни **стратегик ҳаракатлар** колонкасида кўриш мумкин. Ушбу стратегик ҳаракатлар сайғоқни асраш бўйича CMS MOU таснифига кўра қуйидаги туркумларга ажратилди:

1. Шошилинч (популяция қирилиб кетишининг олдини олиш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга).
2. Муҳим (популяция сонини барқарорлаштириш учун зарур).
3. Фойдали (будут способствовать восстановлению популяции).

Ҳар бир банд амалга ошириш муддатлари бўйича ҳам тизимлаштирилди:

- A. Зудлик билан (кечикирмасдан) амалга ошириш – 2013 / 2014 йиллар.
- B. Ўрта муддатли амалга ошириш – 2014 / 2016 йиллар.



## A1 (шошилинч ва кечиктирмасдан амалга ошириш) сифатида таснифланган ҳаракатлар:

1.2.1. Сайғоқ овчилик маҳсулотларига оид тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек асосий истеъмолчи-мамлакатларда бозор ва истеъмолчиларни тадқиқ этиш.

1.4.1. Истеъмолчи-мамлакатлар ва ареал мамлакатлари ўртасида барча даражалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш.

2.1.1. Таълим беришни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, моддий-техника базасини кучайтириш, тажриба алмашиш йўли билан аксилибронъерлик отрядларининг ишлаш имкониятларини яхшилаш.

2.1.2. Маҳаллий аҳоли ўртасида ахборот-оқартув кампаниялари, таълим семинарлари/курслари, социологик тадқиқотлар, умумий тадбирлар ўтказиш, муқобил даромад манбаларини ривожлантириш, биргаликда мониторинг ўтказиш йўли билан жамиятнинг браконъерликни қабул қилиш даражасини пасайтириш.

2.1.4. Барча мамлакатлarda ғайриқонуний савдони камайтириш учун ақилбраконъерлик бригадалари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари (транспорт полицияси, инспекция) ходимларига браконъерликка қарши кураш учун йиллик мукофот бериш, масалан, муайян мамлакатда мутлақ ғолиб унвонига номзодлар рўйхатини аниқлаш учун танлов ўтказиш йўли билан. Мукофотни бериш учун ҳукумат билан ҳамкорлик қилиш. Амалий иш илғор тажрибасини алмашиш.

3.1.1. Ареалнинг турли қисмларида, шу жумладан ўзлаштирилган ва тегилмаган ҳудудларда сайғоқлар ҳолатининг мониторингини ўтказиш.

3.1.2. Сайғоқлар сони ва тарқалишига индустрисал ривожланиш таъсирини белгилайдиган омилларни ландшафт даражасида ўрганиш.

4.1.1. Ҳар бир мамлакатда асосий ҳамкорлар (ҳукуматлар, ноҳукумат ташкилотлари, университетлар)ни белгилаш.

5.2.1. Сайғоқни асрash борасидаги фаолиятда илғор иш усууллари қўлланилаётган (сайғоқни) кўпайтириш марказларига мадад кўрсатиш, масалан, молиялаштириш ва стратегик режалаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва қўллаб-куватлашда.

6.1.1. SCA асосий фаолияти учун етарли молиявий ресурсларни таъминлаш учун маблағлар йиғиш фаол тармоқ стратегиясини ишлаб чиқиши.

6.1.2. Бутун тармоқ бўйича SCAни ривожлантиришга қаратилган янада фаол курсни қувватлаш.

Ушбу ҳаракатлар раҳбар қўмита томонидан SCA учун энг устувор вазифалар сифатида белгиланди *ва шу сабабли 2013 / 2014 йиллардаги иш даври учун асоси вазифалар ҳисобланади*.

## B1 (шошилинч ва ўрта муддатли амалга ошириш) сифатида таснифланган ҳаракатлар<sup>1</sup>:

1.3.1. Истеъмолчи-мамлакатларга SCA Раҳбар қўмитаси аъзоси бўлишни таклиф қилиш (қўмита аъзоси бўлган Хитойдан ташқари).

1.4.2. Сайғоқ бўйича ресурс маркази (SRC) орқали тажриба алмашиш механизмини қўллаб-куватлаш ва кенгайтириш.

2.1.5. Браконъерликни ҳаракатлантирувчи кучлар ва унинг кенг тарқалганлиги сабаблари ҳақидаги тасаввурни яхшилаш учун аҳоли ўртасида социологик сўровлар ўтказиш,

<sup>1</sup> A1 тоифаси ҳаракатлари бажарилганидан кейинги ҳаракатлар бу ерда келтирилмаган.



браконьерлик түғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш, ахборот айирбошлаш, кампаниялар ўтказиш, оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш, маҳаллий аҳоли билан биргалиқда мониторинг ўтказиш.

2.1.6. Турли аудиторияларда, масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ва кенг омма/истеъмолчилар ўртасида улар қонунларни яхшироқ тушунишларини таъминлаш учун қонунчилик бўйича ахборот-оқартув кампаниясини биргалиқда ўтказиш. Имконият мавжуд бўлган жойда SRCдан фойдаланиш.

4.1.3. Ҳукumatлар ва айрим расмий шахслар учун SCAга аъзолик имкониятини тадқиқ этиш.

5.2.2. SCA фаолиятининг барча соҳаларини қўллаб-қувватлаш учун ҳайвонот боғлари халқаро ўюшмалари (масалан: EAZA, AZA, WAZA) билан янада фаол алоқаларни йўлга қўйиш (масалан, Қалмиқистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази ва сайфоқлар мавжуд бўлган ҳайвонот боғлари фаолиятида жамоатчилик иштирокини қўллаб-қувватлаш учун).

6.1.3. Бутун тармоқ бўйлаб самарадорликни ошириш масалаларини муҳокама қилиш ва бу борада фикр алмашишни фаоллаштириш.

*Ушбу ҳаракатлар, 2014 йилдан бошлаб уларни бажаришга киришиш мумкин бўлсин учун, SCA раҳбар қўмитаси томонидан молиялаштириш ёки режалаштириш юзасидан таклифлар учун юборилиши лозим.*

Стратегик режада ифодаланган бошқа ҳаракатлар ҳам муҳим ва имкониятга, мавжуд молиялаштиришга қараб ёки муайян филиаллар ёинки айрим вакилларда уларни амалга оширишга алоҳида қизиқиш мавжуд бўлганда бажарилиши лозим.



## Сайғоқни асраш бүйича альянснинг 2013-2016 йиллар учун стратегик режаси

Стратегик масала	Стратегик вазифа	Стратегик ҳаракатлар	Муддатлил ик <sup>1</sup>	Важность	Масъулият	Талаб этиладиган молиялаштириш
Ташкилот ҳал этишда ёрдам берши мумкин бўлган муҳим масала	Сиз бу муаммода уч йилдан кейин қандай ўзгаришларни кўришини истар эдингиз?	Сиз бундай ўзгаришларга эришишга қандай йўллар билан ҳаракат қиласиз? Сизнинг стратегиянгиз қандай?	1 Шошилинч 2 Муҳим 3 Фойдали	A. Зудлик билан B. Ўрта муддатларда	Ҳаракатлар бажарилиши учун SCA аъзоларининг қайси бири масъул?	SCA бу ҳаракатларни қай тарзда молиялаштирмақчи?
1. Сайғоқ овчилик маҳсулотлари билан савдо қилиш	1.1. CITES ва Trafficни қўллаб-куvvatlashни яхшилаш	1.1.1. CITES ва CMS томонларига ҳамда котибиятларга MoU мажбуриятларини бажаришда мадад кўрсатиш.  1.1.2. SRCда CITES секциясини ташкил этиш.  1.1.3. Аъзо-мамлакатлар ва SCA ташкилотларидан ушлашлар ва мусодара этишлар тўғрисида (омма учун очик) ахборот тўплаш (фақат очик ва расмий манбалардан).  1.1.4. Ахборотни таҳлил қилиш ва тавсиялар бериш.	2  2  2  2	A  A  A  A	Мамлакатдаги SCA филиаллари, SCA-интэрнэшнл. (SCA-инт.)  SCA-инт.  Мамлакатдаги SCA филиаллари, SCA инт.  Мамлакатдаги SCA филиаллари	Алоҳида молиялаштириш талаб этилмайди.  CITES билан бирга буюртма бериш.  Молиялаштириш талаб этилади. Буюртма ишлаб чиқилган.  Талаб этиладиган молиялаштириш (1.1.3 га ҳавола).



	1.2. Асосий истеъмолчи-мамлакатларда ғайриқонуний савдо ва истеъмол билан етказилаётган зарар ҳақида яхшироқ тасаввур ҳосил қилиш.	1.2.1. Сайфоқ овчилик маҳсулотларига оид тадқиқотлар ўтказиш, шунингдек асосий истеъмолчи-мамлакатларда бозор ва истеъмолчиларни тадқиқ этиш.  1.2.2. Сўровлар ва тадқиқотларнинг натижаларига кўра ҳаракатларни бажариш, шу жумладан истеъмолчи-мамлакатларда аҳоли ўртасида ахборот-тушунтириш ишини олиб бориш, кампаниялар ўтказиш ва ушбу натижалар ҳақида ахборот тарқатиш, шу жумладан ҳукумат органларида. (1.2.1-банд бажарилганидан кейин амалга ошириладиган ҳаракат)	1	A  B	SCA-Хитой пешқадамлик қиласи  Сайфоқлар яшайдиган мамлакатлардаги SCA филиаллари	Молиялаштириш талаб этилади. Буюртма ишлаб чиқиш зарур.  Молиялаштириш талаб этилади. Буюртма ишлаб чиқиш зарур.
	1.3.Стратегик мақсад: SCA фаолиятига истеъмолчи-мамлакатларда (Хитойдан ташқари) ишлайдиган одамларни жалб қилиш даражасини ошириш (масалан, Сингапур, Вьетнам)	1.3.1. Истеъмолчи-мамлакатларга SCA Раҳбар қўмитаси аъзоси бўлишни таклиф қилиш (қўмита аъзоси бўлган Хитойдан ташқари).  1.3.2. Истеъмолчи-мамлакатларда SCA фаолиятини фаоллаштириш учун CITES ва CMS билан ишлаш.  1.3.3. Истеъмолчи-мамлакатларни SCA фаолиятига қўшилишга рағбатлантириш учун улар билан қўшма мажлис ташкил этиш.	1  2  2	B  B  A	SCA-инт.  SCA-инт.  SCA-Хитой ва SCA-инт. Пешқадамлик қиласи	Қўшимча молиялаштириш талаб этилмайди.  Қўшимча молиялаштириш талаб этилмайди.  Молиялаштириш талаб этилади. Буюртма ишлаб чиқиш зарур.



	1.4. Хўкуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида ҳамкорлик сифатини ошириш ва уни кенгайтириш	1.4.1. Истеъмолчи-мамлакатлар ва ареал мамлакатлари ўртасида барча даражалардаги алоқаларни мустаҳкамлаш.  1.4.2. SRC орқали тажриба алмашиб механизмини кўллаб-кувватлаш ва кенгайтириш.  1.4.3. Таълим олишга бўлган эҳтиёжни баҳолаш, сўнг бирлаштирилган таълим семинарлари (курслари) ташкил этиш, улар учун мамлакатда ва мамлакатлар ўртасида материаллар ишлаб чиқиш.  1.4.4. Олинган сабоқлардан бошқа мамлакатларни рағбатлантириш учун фойдаланилади. (1.4.3-банд бажарилганидан кейин амалга ошириладиган ҳаракат).	1  1  2  2	A  B  A  B	SCA филиалларининг барчаси ва SCA- инт.  SCA инт.  SCA филиалларининг барчаси & SCA- инт.	Молиялаштиришни излашдан олдин ҳаракатлар аниқ режаси зарур.  SRC 2014 йилда маълум молиялаштиришга эга, молиялаштириш манбаларини излашни давом эттириш зарур.  Молиялаштиришни излашдан олдин ҳаракатлар аниқ режаси зарур.  1.4.3 учун молиялаштириш.
2. Ареал мамлакатларининг барчасида браконьерлик даражасининг юқорилиги.	2.1.Браконьерлар сонини қисқартириш.	2.1.1. Таълим беришни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, моддий-техника базасини кучайтириш, тажриба алмашиб йўли билан аксилбраконьерлик отрядларининг ишлаш имкониятларини яхшилаш.  2.1.2. Маҳаллий аҳоли ўртасида ахборот-оқартиув кампаниялари, таълим семинарлари/курслари, социологик тадқиқотлар, умумий тадбирлар ўтказиш, муқобил даромад манбаларини ривожлантириш, биргаликда мониторинг ўтказиш йўли билан жамиятнинг браконьерликни қабул қилиш даражасини пасайтириш.	1  1	A  A	SCA филиалларининг барчаси ва SCA- инт.  SCA филиалларининг барчаси ва SCA- инт.	Молиялаштириш талаб этилади. Буюртма ишлаб чиқиш зарур.  Муайян фаолият олиб борилмоқда; чўл клублари, сайфок кунлари (Ўзб, РФ, Кз), сўзана тикиш (Ўзб), умумий мониторинг (Ўзб, Кз)



		<p>2.1.3. Мамлакатларда ва улар ўртасида хукуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамкорлигини ташрифлар алмашиш, таълим бериш, ахборот ва маълумотлар айирбошлиш, семинарлар ўтказиш ва ҳоказолар йўли билан яхшилаш.</p> <p>2.1.4. Барча мамлакатларда ғайриқонуний савдони камайтириш учун ақилбраконъерлик бригадалари ва ҳукуқни муҳофаза қилиш органлари (транспорт полицияси, инспекция) ходимларига браконъерликка қарши кураш учун йиллик мукофот бериш, масалан, муайян мамлакатда мутлақ ғолиб унвонига номзодлар рўйхатини аниқлаш учун танлов ўтказиш йўли билан. Мукофотни бериш учун ҳукumat билан ҳамкорлик қилиш. Амалий иш илғор тажрибасини алмашиш.</p> <p>2.1.5. Браконъерликни ҳаракатлантирувчи кучлар ва унинг кенг тарқалганлиги сабаблари ҳақидаги тасаввурни яхшилаш учун аҳоли ўртасида социологик сўровлар ўтказиш, браконъерлик тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш, ахборот айирбошлиш, кампаниялар ўтказиш, оммавий.</p> <p>2.1.6. Турли аудиторияларда, масалан, ҳукуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ва кенг омма/истеъмолчилар ўртасида улар қонунларни яхшироқ тушунишларини таъминлаш учун қонунчилик бўйича ахборот-оқартурв</p>	2 1 1 1	A A B B	SCA филиалларининг барчаси ва SCA- инт. SCA филиалларининг барчаси ва SCA- инт. SCA филиалларининг барчаси ва SCA- инт. SCA филиалларининг барчаси ва SCA- инт.	Молиялаштириш талаб этлади. Буюртмани 2.2.1 ва Ўзб.даги 2014-5 учун лойиха (Whitley award) билан бирлаштириш. 2014 йилда бошланган. Браконъерлик сабабларини ўрганиш бўйича айrim лойихалар талаба-магистрантларнинг тадқиқот лойихалари билан молиялаштирилди. Қолган масалаларни ўрганиш учун молиялаштириш талаб этилади. Буюртма ишлаб чиқиш зарур. Молиялаштириш талаб этилади. Буюртма ишлаб чиқиш зарур. Ўзб даги 2014-5 учун лойиха (Уитли жамғармаси мукофоти - Whitley award)
--	--	---	------------------	------------------	--	--



		кампаниясини биргалиқда ўтказиш. Имконият мавжуд бўлган жойда SRCдан фойдаланиш.				
3. Яшаш муҳити деградацияси ва инфратузилмани ривожлантириш	3.1. Ривожланнишнинг сайғоқларга таъсири ҳақидаги тасаввурни яхшилаш.	3.1.1. Ареалнинг турли қисмларида, шу жумладан ўзлаштирилган ва тегилмаган худудларда сайғоқлар ҳолатининг мониторингини ўтказиш.	1	A	SCA филиалларининг барчаси	Айрим популяциялар учун доимий молиялаштириш мавжуд. Рос. ва Ўзб.да мониторингни такомиллаштириш учун молиялаштириш зарур.
		3.1.2. Сайғоқлар сони ва тарқалишига индустрисал ривожланиш таъсирини белгилайдиган омилларни ландшафт даражасида ўрганиш.	1	A	SCA филиалларининг барчаси	Айрим тадқиқотлар Ўзб. (Дж. Булл) ва Кз.(К. Олсен)да тугалланган. Бутун ареал бўйлаб молиялаштириш талаб этилади. Буюртма ишлаб чиқиш зарур.
		3.1.3. Таъсирни сусайтириш чоралари юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, масалан, инфратузилма лойихаларини стандартлаштириш.	2	A	SCA филиалларининг барчаси	Молиялаштириш талаб этилади. Буюртма ишлаб чиқиш зарур.
		3.1.4. Ландшафтда потенциал ўзгаришларни ва унинг келажақдаги оқибатларини горизонтал сканерлаш (шу жумладан саноат, иқлим ўзгариши, АМҚТХ).	3	B	SCA филиалларининг барчаси	Алоҳида молиялаштириш талаб этилмайди.
		3.1.5. Сайғоқ учун дўстона ривожлантириш лойихалари соҳасида илфор усусларни ишлаб чиқиш ва ёйиш.	3	B	SCA филиалларининг барчаси ва SCA-инт.	Алоҳида молиялаштириш талаб этилмайди.
	3.2. Ишловчилар ва манфаатдор иштирокчилар-нинг сайғоқни асраш билан	3.2.1. Сайғоқлар яшайдиган жойларда биологик ранг-барангликни сақлаш учун ҳаракатлар режаларини биргалиқда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2	B	SCA филиалларининг барчаси ва SCA-инт.	Алоҳида молиялаштириш талаб этилмайди.



	шүгүлланиш имкониятларини кенгайтириш.	3.2.2. Халқаро даражада ривожланиш соҳасида амалий иш илғор тажрибасини илгари суриш (масалан, АМТБ ва ижтимоий соҳага таъсири баҳолаш – ESIA; Халқаро молиявий корпорация стандартлари - IFC-P56) ва таъсири сусайтириш/ компенсация қилиш чораларини қўллаш.  3.2.3. Давлат идоралари, саноат ташкилотлари ва нохукумат ташкилотлари вакилларидан иборат ишчи гурухлар тузиш.	2  3	B  B	SCA филиалларининг барчаси ва SCA-инт.	Алоҳида молиялаштириш талаб этилмайди.  Алоҳида молиялаштириш талаб этилмайди.
	3.3. Ареал ерлари ҳақида тасаввурни яхшилаш ва улардан барқарор фойдаланишини амалга ошириш.	3.3.1. Фермер хўжаликлари томонидан ерлардан фойдаланиш ва ердан фойдаланишнинг ҳозирги таъсири таҳлилини амалга ошириш.  3.3.2. Ареал ерларидан барқарор фойдаланиш борасидаги амалий иш илғор тажрибасини кўриб чиқиш.  3.3.3. Юқорида кўрсатилганлар асосида тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни тарқатиш.	2  2  2	B  B  B	SCA филиалларининг барчаси, Хитойдан ташқари  SCA филиалларининг барчаси, Хитойдан ташқари  SCA филиалларининг барчаси, Хитойдан ташқари	Молиялаштириш талаб этилади. Буюртма ишлаб чиқиш зарур.  3.3.1 билан бирлаштириш.  Кўшимча молиялаштириш талаб этилмайди.
4. SCA ва манфаатдор ҳукумат ташкилотлари ўртасида ҳамкорликнинг етарли даражада эмаслиги	4.1. Манбаатдор ҳукумат ташкилотлари ва SCA ўртасида ҳамкорлик ўрнатилган ёки яхшиланган.	4.1.1. Ҳар бир мамлакатда энг муҳим ҳамкорлар (ҳукуматлар, нохукумат ташкилотлар, университетлар)ни белгилаш.  4.1.2. Ҳамкорлик ўрнатиш ва уни яхшилаш учун ҳамкорлар билан ишлаш.  4.1.3. Ҳукуматлар ва айрим расмий шахслар учун SCAга аъзолик имкониятини тадқиқ этиш.	1  1  1	A  B  B	SCA филиалларининг барчаси  SCA филиалларининг барчаси  SCA филиалларининг барчаси	Алоҳида молиялаштириш талаб этилмайди.  Алоҳида молиялаштириш талаб этилмайди.  Алоҳида молиялаштириш талаб этилмайди.



		<p>4.1.4. Манфаатдор иштирокчиларнинг барчаси ўртасида тажриба алмасиш учун ижобий ва ҳамкорликка кўмаклашадиган иш муҳитини яратиш мақсадида SRCдан фойдаланиш.</p> <p>4.1.5. CMS MoU милллий мувофиқлаштириш марказлари инсон омиллари ва бажариш сиёсатидан жамоатчиликнинг хабардорлигини бирлаштириш учун жавоб беришларига ишонч ҳосил қилиш.</p>	2	A	SCA инт. рахбарлик қилади, барча филиаллар катнашади	2014 йилда ишлас учун SRCни муайян молиялаштириш, молиявий маблағларни излашни давом эттириш зарур.
	4.2. Манфаатдор ҳукумат ташкилотлари сайфоқни асраш ишида SCAни ишончли ҳамкор деб ҳисоблайди.	<p>4.2.1. Ноҳукумат ташкилотлари, ҳукуматлар, илмий-тадқиқот ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни мумкин қадар кенгайтириш учун SCA тармоғидан фойдаланиш.</p> <p>4.2.2. Ҳукуматга касбий ва илмий маслаҳатлар бериш.</p> <p>4.2.3. Фаолиятни бошлашдан олдин, фаолиятни амалга ошириш пайтида ва уни тугатгандан кейин ҳар бир ҳукуматга SCA иши ва роли ҳақида тўлиқ ахборот бериш (масалан, таклифлар, натижалар ва Saiga News ахборотномаси).</p> <p>4.2. Имкониятга қараб, ҳаракатлар/лойиҳаларни ҳамкорлиқда амалга ошириш</p>	2	A	SCA филиалларининг барчаси ва SCA инт.	Кўшимча молиялаштириш талаб этилмайди.
		<p>4.2.1. Ноҳукумат ташкилотлари, ҳукуматлар, илмий-тадқиқот ташкилотлари ўртасида ҳамкорликни мумкин қадар кенгайтириш учун SCA тармоғидан фойдаланиш.</p> <p>4.2.2. Ҳукуматга касбий ва илмий маслаҳатлар бериш.</p> <p>4.2.3. Фаолиятни бошлашдан олдин, фаолиятни амалга ошириш пайтида ва уни тугатгандан кейин ҳар бир ҳукуматга SCA иши ва роли ҳақида тўлиқ ахборот бериш (масалан, таклифлар, натижалар ва Saiga News ахборотномаси).</p> <p>4.2. Имкониятга қараб, ҳаракатлар/лойиҳаларни ҳамкорлиқда амалга ошириш</p>	2	A	SCA филиалларининг барчаси	Кўшимча молиялаштириш талаб этилмайди.
		<p>4.2.3. Фаолиятни бошлашдан олдин, фаолиятни амалга ошириш пайтида ва уни тугатгандан кейин ҳар бир ҳукуматга SCA иши ва роли ҳақида тўлиқ ахборот бериш (масалан, таклифлар, натижалар ва Saiga News ахборотномаси).</p> <p>4.2. Имкониятга қараб, ҳаракатлар/лойиҳаларни ҳамкорлиқда амалга ошириш</p>	2	B	SCA филиалларининг барчаси	Кўшимча молиялаштириш талаб этилмайди. Saiga News узлуксиз ташки молиялаштиришга муҳтоҷ.
5. Сайфоқ популяциялари нинг оз сонлилиги ва улар тарқалган ҳудудлар	5.1. Манфаатдор иштирокчиларнинг реинтродукция усуллари ва оқибатлари	<p>5.1.1. SCAning умумий ва маҳсус реинтродукция хусусидаги нуқтаи назари ҳақида баёнот (лар)ни ишлаб чиқиш.</p> <p>5.1.2. Баёнот матнини асосий манфаатдор иштирокчиларга тарқатиш ва уни лозим</p>	2	B	SCA-инт.	Алоҳида молиялаштириш талаб этилмайди. Д. Мэллон?
		<p>5.1.1. SCAning умумий ва маҳсус реинтродукция хусусидаги нуқтаи назари ҳақида баёнот (лар)ни ишлаб чиқиш.</p> <p>5.1.2. Баёнот матнини асосий манфаатдор иштирокчиларга тарқатиш ва уни лозим</p>	2	B	SCA филиалларининг	Алоҳида молиялаштириш талаб этилмайди.



доирасининг чекланганлиги	ҳақидаги тасаввурини яхшилаш.	тарзда тарғиб қилиш.	3	B	барчаси SCA-инт.	Алоҳида молиялаштириш талаб этимайди.
		5.1.3. ТМҚХУ-IUCN тавсияларини (тегишли тилларда) SRC ва тегишли ҳужжатларга киритиш.				
	5.2. Тутқунлиқда кўпайтирилаёт- ган популяция- ларнинг сифат ва самарадорли- гини уларнинг кўп сонли вазифалари бажарилишини таъминлаш учун яхшилаш.	5.2.1. Сайғоқни асраш борасидаги фаолиятда илғор иш усуслари кўлланилаётган (сайғоқни) кўпайтириш марказларига мадад кўрсатиш, масалан, молиялаштириш ва стратегик режалаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш ва қўллаб-куватлашда.	1	A	SCA-инт. пи- томниклари бўлган SCA билан ҳамкорликда: Россия, Хитой.	Молиялаштириш талаб этилади. Буюртма ишлаб чиқиш зарур.
		5.2.2. SCA фаолиятининг барча соҳаларини кўллаб-куватлаш учун ҳайвонот боғлари халқаро уюшмалари (масалан: EAZA, AZA, WAZA) билан янада фаол алоқаларни йўлга кўйиш (масалан, Қалмиқистон Республикаси Ёввойи ҳайвонлар маркази ва сайғоқлар мавжуд бўлган ҳайвонот боғлари фаолиятида жамоатчилик иштирокини кўллаб-куватлаш учун	1	B	SCA-инт. пи- томниклари бўлган SCA билан ҳамкорликда: Россия, Хитой.	Буюртма ишлаб чиқиш, унга максус молиялаштиришни талаб қилмайдиган ҳаракатларни киритиш зарур.
		5.2.3. Ҳайвонларни кўпайтириш марказларининг вазифаларини ва уларни амалга ошириш имкониятларини аниқлаш.	2	B	SCA-инт. пи- томниклари бўлган SCA билан ҳамкорликда: Россия, Хитой.	Алоҳида молиялаштириш талаб этимайди.
		5.2.4. Илғор тажрибани аниқлаш ва уни сайғоқни кўпайтириш бўйича қўлланма яратиш йўли билан тарқатиш, Россияда амалда бўлган қўлланмани хитой тилига үгериш.	2	B	SCA-инт., SCA- Россия ва SCA-Хитой	Алоҳида молиялаштириш талаб этимайди.
		5.2.5. Россия тажрибасини ареал бошқа мамлакатларидағи ҳайвонларни кўпайтириш	2	A	SCA-Россия, SCA-инт.	Тажриба алмашиш ташрифлари учун буюртма ишлаб чиқиш.



		марказлари билан ўртоқлашиш.				
	5.3. Сайғоқ популацияларининг ҳозирги тарқалиши ҳақидаги тасаввурни яхшилаш.	5.3.1. GIS форматида ахборот айирбошлиш тизимини ишлаб чиқиш.	2	B	SCA филиалларининг барчаси ва SCA-инт.	Молиялаштириш талаб этилади. Буюртма ишлаб чиқиш зарур.
6. SCA нинг институционал барқарорлиги лозим даражада эмаслиги	6.1. Институционал барқарорликни кучайтириш.	6.1.1. SCA асосий фаолияти учун етарли молиявий ресурсларни таъминлаш учун маблағлар йигиши фаол тармоқ стратегиясини ишлаб чиқиш.  6.1.2. Бутун тармоқ бўйича SCAни ривожлантиришга қаратилган янада фаол курсни қувватлаш.  6.1.3. Бутун тармоқ бўйлаб самарадорликни ошириш масалаларини муҳокама қилиш ва бу борада фикр алмашини фаоллаштириш.  6.1.4. Ворисийликни режалаштириш (SCАда ва ареал мамлакатларида)  6.1.5. Манфаатдор иштирокчилар билан ахборот айирбошлиш имкониятларини кенгайтириш.  6.1.6. Saiga News ни қаттиқ нусхалар кўринишида маҳаллий даражада ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали локал ва халқаро даражаларда тарқатиш доираси ва йўналишларини кенгайтириш.	1  1  1  2  2	A  A  B  B  B	SCA филиалларининг барчаси ва SCA-инт.  SCA филиалларининг барчаси ва SCA-инт.  SCA филиалларининг барчаси ва SCA-инт.  SCA филиалларининг барчаси ва SCA-инт.  SCA филиалларининг барчаси ва SCA-инт.	Алоҳида молиялаштириш талаб этилмайди.  Алоҳида молиялаштириш талаб этилмайди.  Алоҳида молиялаштириш талаб этилмайди. SRC форумидан фойдаланиш?  Алоҳида молиялаштириш талаб этилмайди.  SRC ва Saiga News воситасида айирбошлиш узлуксиз молиялаштиришни талаб қиласди.  Босма тиражни кўпайтириш учун молиялаштириш талаб этилади.



		<p>6.1.7. Ҳар бир мамлакатда SCA фаол аъзолари сонини кўпайтириш.</p> <p>6.1.8. Кенг кўламли ва маҳаллий аҳолига (муайян мамлакатга эмас) қаратилган стратегик режаларни мувофиқлаштириш.</p> <p>6.1.9. Бутун тармоқ бўйича SCA маъмурий функцияларини кенгайтириш.</p>	2	A	SCA филиал-ларининг барчаси ва SCA-инт.	Табиатни муҳофаза қилиш бўйича ёш лидерлар лойиҳаси учун биринчи йилга жорий молиялаштириш; иккинчи йилга буюртма Дисней жамғармаси (DWCF)га берилган.
			2	B	SCA филиал-ларининг барчаси ва SCA-инт.	Алоҳида молиялаштириш талаб этилмайди.
			2	A	SCA филиал-ларининг барчаси ва SCA-инт.	Табиатни муҳофаза қилиш бўйича ёш лидерлар лойиҳаси орқали муайян молиялаштириш; соғ маъмурий лавозимлар учун молиялаштириш манбалари топилиши ва буюртмалар ишлаб чиқилиши лозим.